



YOSHLAR OVOZI

2018-YIL 20-YANVAR,
SHANBA

8
(16166)

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@uamail.uz

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

YUKSALISH ODIMLARINI BELGIЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, аввал белгиланган вазифалар ижроси билан танишиш мақсадида 19 январь куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Сурхондарё вилояти улкан иқтисодий имкониятлари, географик ва транспорт соҳияти билан мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутди. Вилоятнинг ер ости ва ер усти бойлиқларидан унумли фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудуднинг санат салоҳиятини юксалтириб, экспорт-боп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилаётган бўлса, аграр тармоқда юз бераётган ўзгаришлар аҳолининг тўқин, обод ҳаётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 10-11 февраль кунлари вилоятга ташрифи чоғида белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар ишга туширилиб, қўллаб-қўллаган турдаги маҳсулотларни тайёрлаш йўлига қўйилди. Сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқлари янги босқичда ривожланишга юз тутди. Қўл тармоқли фермер хўжалиқларини ташкил этишга эътибор янада кучайди.

Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифини Термиз туманидаги "Inter Silk Pro" қўшма корхонасига қарашли пиллохона билан танишишдан бошлади. Бу ерда Хитой технологияси асосида пил-

ла етиштирилиб, қайта ишлаш тармоқларига етакчилик берилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 мартдаги қарори асосида "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси ташкил этилган эди. Уюшма томонидан бугунги кунда тармоқни жадал ривожлантириш мақсадида соҳага инновацион ғоя ва технологиялар жорий этилмоқда.

Илғор хорижий тажрибалар асосида 2017 йилда барпо этилган пиллохонада пленка остида ҳамда сунъий дасталарда санатбоп хом ашё етиштирилади. Бунда барг сарфи 30 фоизгача қолса, шу билан бирга, биринчи-иккинчи ёшдаги ипак қурти бақилиб, қасандорларга тарқатилади. Сунъий дасталарнинг оқсизлиги шундаки, қурт пиллани стандарт ҳолатда ўради.

5 гектарлик қуртхонада 10 киши доимий, 70-75 киши мавсумий ишлайди. Бу ерда 100 бош парранда, 50 қўти асалари, шунингдек, чорва моллари, қўён парваришланмоқда.

Ушбу маскандаги тўтзор ҳам инновацион усулда, 0,90x0,20 схемаси асосида ташкил этилган. Бунда бир гектарга 55 минг тўддан зиёд тут қўтига ўтказилади ҳамда йилга уч марта

барг олинади. Шу асосда вилоятда йилга 2-3 марта пилла етиштириш имконияти пайдо бўлмоқда.

Президентимиз "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси ташкил этилгандан сўнг пиллачилик соҳасини ривожлантириш борасида ижобий қадамлар ташланаётганини таъкидлади. Тармоқда эришилаётган ютуқларда соҳа учун пухта ҳуқуқий асос яратилгани муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган йили пилладан мамлакатимизда илк бор тажриба тариқасида уч марта ҳосил олишга эришилди. Барча ҳудудларда қуртхона мажмуалари қурила бошланди. Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятида 51, мамлакатимиз бўйича 151 пиллохона мавжуд.

Шавкат Мирзиёев келгуси беш йилда пиллохоналарни 10 мингга, пилла экспортини йилга 1 миллиард долларга етаклаш зорурлигини қайд этди. Бунинг учун мавжуд тўтзорларнинг барчаси "Ўзбекипаксаноат" уюшмасига берилди. Хар бир тўтзорда биттадан пиллохона қурилади. Тут қатор ораларига қишлоқ хўжалик экинлари экилади.

Вилоятнинг ўтган йили пиллачиликда юқори самарадорликка эришган фаол пиллоқларига Президентимиз савғаси сифатида 12 та "Damas" автомо-

били ҳамда иккита қишлоқ хўжалик техникаси топширилади.

Шу ернинг ўзиде вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, иссиқхоналар, анорзорлар, ёнқорзорлар, интенсив боғ ва тоқзорлар, коврак ва pista плантациялари, балиқчилик ва паррандачилик комплекслари ташкил этиш, ер ўлчашда дронлардан фойдаланиш каби лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалигида интенсив технологиялар асосида истиқболли лойиҳаларни изчил амалга ошириш, халқроқ молия ташкилотларининг кредит маблағларини жалб этган ҳолда мева-сабзавотчилик, чорвачилик ва бошқа тармоқларни ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, вилоятда янги тармоқларни ўлаштириш ҳисобига иқтисодиёт барқарорлигини мустаҳкамлаш лозимлиги қайд этилди.

Бугунги кунда Россия, Австрия, Исроил ва бошқа давлатлар ишбилармонлари билан вилоятдаги инвестиция лойиҳалари бўйича ҳамкорлик ишлари бошланган. Президентимиз ишбилармонлар билан суҳбатда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, валюта бозорини эркинлаштириш ва хорижий инвесторлар манфатларини ҳимоя қилишга қаратилаётган эътибор туфайли ташки бозорда Ўзбекистоннинг шериклари қўлайиб бораётганини, Сурхондарё вилоятида ҳам улор учун қўлай имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада)

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

ПАХТАБОДАДА ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Умиджон МАМАРАСУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси, Қаҳрамон Қуранбаевнинг Андижон вилоятига сафари давом этапти. Ёшлар етакчиси таълим муассасалари фаолияти, ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятлар билан танишиб, ёш тадбиркорлар ҳамда уюшмаган йигит-қизлар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Куни кеча Қ.Қуранбаев Пахтабод туманида барпо этилган Ёшлар марказининг очилиш маросимига қатнашди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Хотинқизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоева ҳам меҳмон бўлди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор ҳусусида тўхташди. Таъкидланганидек, бугунги кунда пахтабодлик ёшлар учун ҳам улкан имконият эшиклар очилган. Худудда ёш тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, улар учун имтиёзли кредитлар ажратилаётгани боис, йил якунлари бўйича иш ўринлари сони сезиларли даражада ортган.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари Ёшлар маркази билан яқиндан танишди. Бу ерда рус ва инглиз тиллари, волейбол, бокс тўғрисидаги фаолият кўрсатилмоқда. Шу билан бирга, марказда туман ҳокими, ички ишлар бўлими бошлиғи, фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари қабулхоналари, касб-ҳунарга йўналтириш, психологик маслаҳат бериш хоналари ҳамда тикувчилик цехи мавжуд.

Тантанали маросим яна бир байрамга уланиб кетди. Шу жойнинг ўзиде Давлат маслаҳатчиси томонидан Ёшлар иттифоқининг Андижон шаҳар, Балиқчи, Пахтабод, Жалақудук, Қўрғонтепа туманлари кенгаши раисларига "Spark" автомашиналарининг қалитлари топширилди.

— Кувончим чексиз, — дейди Балиқчи тумани кенгаши раиси Бекзодбек Алибоев. — Хизмат пайтида туманининг олис-яқин ҳудудларига бориб келишга тўғри келарди. Энди бу муаммо эмас. Ёшлар билан кўпроқ кўриша олам. Ушбу рағбат мени янада фидойиликка ундайди.

ITTIFOQNING KAFILLIGI OSTIDA

ОИЛАСИ БАҒРИДА ҚОЛДИ...

Сожида САПАЕВА

Бир неча кун олдин 25 яшар Нодирбек Матёкубовнинг ҳаёти қил устида турганди. Ёш оиланинг ёлғиз боқувчиси, бир гўдакнинг отаси бўлатуриб, билмай жиноятга қўл ургани учун судланди. Қўшқўпир туманида ўтказилган сайёр суд мажлисида қораловчи Нодирбекка тўрт йил қамоқ жазосини тайинлаш ҳақида тақдимнома берди. Аммо кейин...

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Хоразм вилояти кенгаши раиси Мансурбек Машарипов сўзга чиқди. Ёшлар ташкилотини Нодирбек ҳақида у таълим олган мактаб маъмурияти, шунингдек, маҳалла оқсоқолидан сўраб-сўриштирган экан. Ҳеч қимдан салбий фикр чиқмади. Йигитни шайтон йўлдан урганга ўхшайди. Қолаверса, Нодирбек қасддан жиноят содир этмаган, у

қилмишидан жуда пушаймон.

Шуларни инобатга олиб, ёшлар етакчиси судланувчига қамоқ ўрнига озодликдан чеклаш жазосини белгилашни сўради. Нодирбекнинг тўғри йўлга қайтишига Иттифоқ қадил бўлишини айтди.

Таъкидлаш жоиз, адашган ёшлардан юз ўгирмай, ўнганлишига имкон бериш, ҳар бирини жамиятнинг фаол аъзолари сафига қўйиш мақсадида судланувчилар-

ни кафиликка олиш амалиёти Президентимизнинг шахсий ташаббуси асосида жорий қилинган. Мазкур тажриба туфайли шу кунгача ўнлаб йигит-қизлар "ҳалокат"дан асраб қолинди.

— Маҳалла-қўйда бошимни кўтаролмай қолгандим. Хайрият, бугун ўғлим бағримга қайтди! Давлатимиздан мингдан-миг розиман! — дейди Нодирбекнинг онаси Раъно Ишоновна кўзда ёш билан. — Фарзанд хато қилганини кўрмоқ оғир мусибат. Буни ҳеч қимга раво кўрмайман. Энди азобларимизга чек қўйилди. Ўғлим оиласидан ажралмайди, боласига оталик қила олади. Ёшлар иттифоқи иш топишда ҳам ёрдам бераркан. Биласизми, ҳозир мендан бахтли инсон йўқ.

YUKSALISH


АСРИЙ МАҚОМ ЭГАСИГА ҚАЙТМОҚДА

2020 йилда кўҳна ва боқий Бухоро шаҳри ислом маданияти пойтахти бўлади

Аждодларимиз орасида буюк зотлар ўтган. Бу — факт. Заминимиз муқаддас. Бу ҳам исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Бежиз эмаски она диёримиздан етишиб чиққан не-не авлиёю анбиёлар, аллома ва мутафаккирларнинг инсоният олдидаги беҳисоб хизмати ҳанузгача қадрланмоқда. Уларнинг бебаҳо илмий-маънавий мероси эса, авлодлар учун мангу маёқ вазифасини ўтаётир.

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан, таълим ва маданият тузилмаси (ISESCO) ҳар йили учтадан шаҳарни ислом маданияти пойтахти сифатида эълон қилади. Улардан бири араб мамлакатлари орасидан танланса, қолганлари Осиё ва Африка минтақаларида жойлашиши шарт.

Ислом маданияти пойтахти, деган юксак эътирофга лойиқ тоғилиш учун шаҳар тарихан ислом цивилизацияси билан боғланган ҳамда унинг унсурларини ўзида сақлаб келаётган бўлмоғи керак. Бунда, биринчи навбатда, мазкур масканда яшаб ўтган улуг зотларнинг ҳаёти ва фаолияти, кўҳна ёдгорликлар ҳамда муқаддас қадимларнинг саногий салобати, тарихий қиммати ва албатта, келажак учун аҳамияти эътиборга олинади.



Аъзамжон АБДУРАҲМОНОВ,
Тошкент ислом университети ISESCO кафедраси ўқитувчиси

Ислом маданияти пойтахтларини аниқлаб, дунёга эълон қилишдан кўзланган бош мақсад, аввало, бани башар — ер юзиде яшаётган турфа миллату элатларга қадимизнинг тинчликпарвар, бунёдкорлик моҳиятини англаштириш, бу улкан маданий ҳодиса жаҳон тамаддунида қанчалик улкан ўрин тутганини намоян этиш, қолаверса, ислом цивилизациясига алоқадор бўлган маданий мерос объектларини сақлаш ва халқаро жамоатчиликка таништириш, шу аснода маданиятлар ўртаси-

даги мулоқотни кучайтиришдан иборат. Олам узра турфа кўринар-кўринмас таҳдидлар шарпа-си соя солиб турган бугунги таҳликали даврда асл қадриятларнинг йўқ бўлиб кетишига йўл қўймаслик ҳаммамиз учун ниҳоятда муҳим. Мазкур чора инсониятни маънавий таназулдан асрагуви метин қалқон, десак сира муболага бўлмайди.

2007 йилда Тошкент шаҳрига ислом маданияти пойтахти мақомини олиш насиб этганди. Ушунда дунёдаги юзлаб шаҳарлар ичидан мазкур рутба айнан пойтахтимиз чекига тушгани тасодиф эмасди, албатта. Биринчи яшаётган турфа миллату элатларга қадимизнинг тинчликпарвар, бунёдкорлик моҳиятини англаштириш, бу улкан маданий ҳодиса жаҳон тамаддунида қанчалик улкан ўрин тутганини намоян этиш, қолаверса, ислом цивилизациясига алоқадор бўлган маданий мерос объектларини сақлаш ва халқаро жамоатчиликка таништириш, шу аснода маданиятлар ўртаси-

даги мулоқотни кучайтиришдан иборат. Олам узра турфа кўринар-кўринмас таҳдидлар шарпа-си соя солиб турган бугунги таҳликали даврда асл қадриятларнинг йўқ бўлиб кетишига йўл қўймаслик ҳаммамиз учун ниҳоятда муҳим. Мазкур чора инсониятни маънавий таназулдан асрагуви метин қалқон, десак сира муболага бўлмайди.

2020 йилда Бухоро билан бир қаторда Қоҳира (Миср) ва Бамако (Мали) ҳам ислом маданияти пойтахтлари қаторига қўшилиди. Бухорои шариф ортиқча таърифу тавсифга муҳтоқ эмас. Аслида бу маскан бир неча асрлар давомида ҳақли равишда ислом маданияти пойтахти бўлиб келган. Унинг "Қуббатул ислом", деб номлангани ҳам бежиз эмас. Бухоро шаҳри ислом цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Абу Хафс Кабир Бухорий, Зайниддин Бобо (XIII-XIX асрлар), Зангиота (XIV-XX аср), Хўжа Аламбардор (XIX аср), Шайх Хованди Тоҳур (XV аср), Юнусхон (XV аср) мақбаралари ва бошқа тарихий ёдгорликлар таъмирланди.

ҲАМДАРДЛИК

Қозғистон Республикасининг Ақтўбинск вилоятида 2018 йил 18 январь куни содир бўлган фожиа оқибатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳалок бўлгани муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарлари номидан ҳамдардлик мактублари келмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев номига Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани, Венгрия Президенти Адер Янош, Чехия Республикаси Президенти Милош Земан томонидан йўлланган самимий ҳамдардлик ва қўллаб-қувватлаш сўзлари битилган мактублар келди.

Хорижий давлатлар раҳбарлари ўз мактубларида Ўзбекистон фуқаролари ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар уларни чуқур қайғуга солганини таъкидлаган. Содир бўлган фожиа муносабати билан улар Ўзбекистон Президенти, ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинлари, бутун халқимизга чуқур ҳамдардлик изҳор этган.

Ҳамдардлик номалари келиши давом этмоқда.

KO'RGAZMA

Ахрор СОДИҚОВ

БАРЧАСИ МИЛЛИЙ УСЛУБДА



Қарши шаҳридаги "ATLAS" савдо мажмуасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан "Ёшлар — келажак бунёдкори!" шиори остида хунармандчилик кўргазмаси ташкил этилди. Унда 22 нафар йигит-қиз ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

Миллий хунармандчиликнинг кўҳна анъаналари, "Уста-шоғирд" мактабларини тиклаш, халқ усталари меҳнатини юзага чиқариш, маданиятимиз ва амалий санъатимизни тарғиб этишга қаратилган кўргазмада эркак ва аёллар либослари, заргарлик буюмлари, каштачилик намуналари, сувенир маҳсулотлари намойиш этилди. — Кўргазмага адрас ва ало бахмал матоларидан миллий ус-

луда тикилган чопон, нимча, пойабзал ва сумкалар, табиий ипакли шарфларни олиб келдик, — дейди шахрисабзлик яқка тартибдаги тадбиркор Махлиё Маннонова. — Улар кўпчиликда қизиқни қўйғотди. Қўлда тайёрланган шарқона зеб-зийнатлар ҳам ёш қарининг эътиборини тортиди. Эндилда бундай тадбир ҳафтанинг ҳар шанба ва яқшанба кунлари ўтказилади.

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИНИ БЕЛГИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР

(Бошлангиш 1-саҳифада)

Шавкат Мирзиёев вилоятга аввалги ташрифи чоғида балик, тухум ва парранда гўшти етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш ва аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш борасидаги лойиҳалар билан танишиб, зарур тавсиялар берган эди. Тақдиримиз чоғида ана шу лойиҳалар ижроси атрафлича муҳокама этилди. Боботағ ўрмон хўжалиги ерларида пистазор, бодомзор ва ёнғоқзорлар, коврак плантациялари барпо этиш, "Ўсимликлар клиникаси" ташкил этиш орқали аҳоли томорқасида етиштириладиган мева-сабзавот экинларини зараркунанда ҳашаротлардан асраш каби лойиҳалар юзасидан мутасаддиларга тапшириқлар берилди.

Президентимиз Ҳақим Термизий мақбарасини зиёрат қилди. Зиёрат чоғида Қозоғистоннинг Ақтўбинск вилоятида юрtdошларимиз вафот этганидан чуқур қайғуда эканини айтиб, уларнинг яқинларига тазия билдирди.

Марҳумлар ҳақида Қуръон тиловат қилинди.

Шавкат Мирзиёев "ASG Group" корхоналар уюшмасига қарашли "Жарқўрган мева-сабзавот экспорт" маъсулияти чекланган жамиятида амалга оширилётган ишлар билан танишди.

Бугунги кунда "ASG Group" корхоналар уюшмаси таркибига 18 корхона фаолият юрtdолади. Уларнинг 6 таси Сурхондарё вилоятида ташкил этилган. Мазкур корхоналар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, чуқур қайта ишлаш ва уни экспорт қилиш билан шуғулланади. 2016-2017 йиллар Хитой, Афғонистон, Покистон, Вьетнам, Бирлашган Араб Амириклари, Малайзия, Туркия ва МДҲ давлатларига 74 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти амалга оширилган. Жорий йил экспорт ҳажми 150 миллион долларга етказиш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда Сурхондарё вилоятида "ASG Group" корхоналар уюшмасига қарашли 2 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашчи логистика маркази фаолият кўрсатмоқда. Келгусида Денов, Сароисиб, Олтинсой, Ангор, Музробот туманларида ҳам йирик логистика марказларини ишга тушириш бўйича амалий ишлар олиб бориладими.

Давлатимиз раҳбарига "Жарқўрган мева-сабзавот экспорт" маъсулияти чекланган жамиятининг Денов туманида 2018 йилда ташкил этиладиган корхонасини Франция интенсив технологияси асосида етиштириш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. Франциядан биринчи оғил кортошқа уруғлари келтирилиб, 2 минг гектар майдонга экилади. Тамчилатиб сугорилиш, усўли жорий этилади. Бунда сув ресурслари сарфи тўрт бора-

бар тежалишига эришилади. Бир гектар ердан камида 50 тонна ҳосил олиш мўмкин.

Лойиҳа қиймати 240 миллиард сўм. 60 миллиард сўми корхонанинг ўз маблағи, 180 миллиард сўми банк кредитидир. Лойиҳа тўлиқ амалга ошгач, 1,5 минг иш ўрни яратилади.

Президентимиз қишлоқ хўжалигига илмий асосда ёндашиш юқори самарадорликка эришиш, аҳоли фаровонлигини оширишда асосий омил бўлишини таъкидлади. Соҳага интенсив технологияларни янада кенгроқ жорий этиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

"Ангор Сурхон қурури" томонидан тўқимачилик кластери ташкил этиш лойиҳаси ҳам тақдим этилди.

Бунда 3,5 минг гектар ерда юқори рентабелли интенсив талапи пахта навлари етиштириш мўлжалланмоқда. Юқори технологиялар асосида ҳосилдорлигини 50-60 центнерга ошириш, ҳосилни чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Ушбу корхона томонидан 40 гектар майдонда лимон, шафтоли, қулупнай, қўқат етиштириш бўйича иссиқхоналар ташкил этиш лойиҳаси ҳақида ҳам маълумот берилди. Бу аҳоли даромадларини ошириш, бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

"ASG-Surxon export-import savdo" корхонаси томонидан бўз ва сугорилмайдиган ер майдонларида тамчилатиб сугориладиган интенсив боғлар ташкил этиш лойиҳаси тақдимоти ҳам ўтказилди. Олинган маҳсулот қайта ишланиб экспортга йўналтириш мақсад қилинган.

Мазкур йўналишда 2018 йилда 900, 2019 йилда 1 минг 150 гектар майдонда интенсив боғлар яратилади. Айни пайтда амалий ишлар бошлоб юборилган. АҚШ, Исроил ва Туркиядан мутахассислар жалб қилинган. Режалаштирилган 9 қудуқдан 3 тасида бурғилаш ишлари якунланди.

Шу ерда Термиз шаҳри бош режаси асосида кўп қаватли уйлар, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Оталар чойхонаси, масжид қуриш, "Хўжалик" туманлараро ичимлик суви ишлаб чиқариш, замонавий канализация тормоқлари ётқизиш, вилоятда кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш, уй-жой мулкдорлари фаолиятини тақомиллаштириш, Денов шаҳрининг Шароф Рашидов номидagi кўчасини қайта қуриш, кўча атрафида кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш лойиҳалари ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари аҳолини уй-жой билан таъминлаш доимий эътиборда бўлиши лозимлигини қайд этди. Қуриладиган уйлар нархини янада арзонлаштириш, бунинг учун маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг янада

кўпайтириш керак, деди Президентимиз.

Термиз шаҳри бош режаси доирасида 30 та етти қаватли уй қурилиши белгиланган эди, аҳоли талаби инобатга олиниб, Президентимиз кўрсатмаси бўйича яна 32 та етти қаватли уй қуриладиган бўлди. Шунингдек, ичимлик суви бўйича кўзда тутилган лойиҳани имкон қадар тезроқ амалга ошириш лозимлиги қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев Ангор туманидаги "Bio Techno Eco" маъсулияти чекланган жамиятининг маиший чикиндиларни саралаш ва қайта ишлаш заводи фаолияти билан танишди.

Завод Термиз шаҳри, Термиз ва Ангор туманларидан чикиндиларни йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ҳамда улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда қурилиш-монтаж ишлари, илгор технологияларини ўрнаттиш, махсус чикинди ташиш техникаларини харид қилиш учун 8 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфланди.

Корхона йилига 182 минг тоннадан ортиқ чикиндини саралаб, қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда ишлатилган пластмассадан полиэтилен қувурлар, шишондан мозаника ва плиталар, ёғочдан брикет, қочқичиндисидан картон ва қоғоз, озик-овқат чикиндисидан биогаз ҳамда биогаз ишлаб чиқарилади. Корхона шу йилнинг январь ойи охирида иш бошлаши режалаштирилган. Айни пайтда 150 киши ишга қабул қилинган. Завод тўлиқ ишлай бошлагач, яна 250 киши иш билан таъминланади.

Шу ернинг ўзига вилоятда гидроэнергетика, кўмир саноати ва бошқа соҳаларни ривожлантириш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

Бойсун туманида жойлашган "Марказий" ва "Шарқий" участкаларида тошқумир қазиб олишни ташкил этиш лойиҳасининг тахминий қиймати 50 миллион долларни ташкил этади. Уни 2020 йилда фойдаланишга топшириб, йилига 450 минг тонна кўмир қазиб олиш мўлжалланмоқда. Мазкур лойиҳанинг ўзлаштирилиши тоғли туманда 320 кишининг бандлик масаласини ҳал этади.

"Ўзуқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти вилоятда янги саноат корхоналарини барпо этиб, замонавий ишоотлар учун тайёр қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга эътиборни кучайтирмоқда. Акциядорлик жамияти 2018-2019 йилларда цемент ишлаб чиқарадиган иккита корхона лойиҳасини қўллаб-қувватламоқда. Вилоятда бой зоҳирга эга қишлоқ қайта ишлаб, плиталар тайёрлашни рағбатлантироётир. Лойиҳалар амалга ошса, 2 мингдан ортиқ иш ўрни яратилади.

тилади. 161,4 миллиард сўм бюджетга тушумлар тушиши таъминланади.

Музробот туманида "Surxon KSP Grand" МЧЖ томонидан қомидан ҚЗП ва ЛҚЗП (ДСП) маҳсулотини ишлаб чиқариш комплекси ташкил этиладигани самарасида вилоят ҳудудида усодиган қишлоқ қайта ишланиб, қурилиш ишоотлари учун зарур арзан ва сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Йилига 150 минг квадрат метр қамиш заррача ва ламинация қилинган плиталар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Корхона тўла қувват билан ишга тушгач, 400 киши доимий, 5 минг киши мавсумий иш билан таъминланади.

Шеробад туманидаги Жерданак қонидан олинган минерал бойликларни қайта ишлаб чиқариш комплексини ташкил этиш лойиҳасини вилоятдаги "Сурхон Термиз Чинни", "Сурхон Каолин" ва "Surxon-Keramiks" маъсулияти чекланган жамиятлари амалга оширади. Хусусан, "Сурхон Термиз Чинни" МЧЖ лойиҳасининг умумий қиймати 12,5 миллиард сўм. Унинг 8,5 миллиард сўми тижорат банкининг кредит маблағи бўлиб, йилига 6 миллион донадан ортиқ чинни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Сурхон Каолин" жамияти томонидан рўбга чиқарилиши кўзда тутилётган янги лойиҳа йилига 20 минг тоннагача турли минерал бойликларни қайта ишлайди. Бу ерда бойитилган импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулот маълоқатимиз чинни буюмлари ишлаб чиқарувчилар ҳамда ўтга чидамли гишт ва плита ишлаб чиқарувчи корхоналар, жумладан, "Surxon-Keramiks" жамиятига етказиб берилди.

Давлатимиз раҳбари Шеробад туманида "Euro med plus" хусусий диагностика ва даволаш маркази фаолияти билан танишди.

Мамакатимизда хусусий тиббиёт ривожига қаратилётган алоҳида эътибор самарасида олис кишлоқлар аҳолисига ҳам замонавий, юқори технология ташхис қўйиш ва даволаш имконияти яратилмоқда.

Шу кунларда фойдаланишга топширилган мазкур тиббиёт муассасаси компьютер томографи, рақамли рентген, ультратовуш текшуруви, видеогастроскоп, видеокольпоскоп усқуналари билан жиҳозланган. Шунингдек, беморларни ультратовуш, электр, магнит, лазер билан даволаш, умуртқа чурчаларини трақцион чўзиш йўли билан соғломлаштириш имкониятлари мавжуд. Келгусида бу ерда жарроҳлик амалиётларини йўлга қўйиш ҳам назарда тутилмоқда.

Эндликда шошилич ҳолатларда беморлар Термиз шаҳридаги тиббий марказларга бориб келиш тавсиясида қўйилди. Агар 182 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Шеробад, шунинг-

дек, қўшни Музробот, Бойсун, Ангор, Қизирик туманларида тез ва аниқ ташхис қўйишда зарур бўлган замонавий усқуналар етишмаслигини ҳисобга олсак, мазкур тиббиёт маскани фаолиятининг аҳамияти янада яққол намоён бўлади.

Ушбу марказда тиббиёт коллежлари ўқувчилари учун амалиёт маркази ташкил этилган бўлиб, улар бу ерда назарий билимларини амалиётда мустақомлашади.

Давлатимиз раҳбари клиника имкониятлари билан танишар экан, мазкур шифо маскани билан пойтахтимиздаги "Akfa Medline" клиникаси ўртасида ҳамкорликни, тажриба алмашишни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев туманининг Тороқли маҳалласида ҳам бўлиб, "Покиза" нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолияти билан танишди.

Тадбиркор Абдуқодир Норбеков барпо этган ушбу муассасада шароитлар мактабгача ёшдаги болаларнинг дунёқараолини шакллантириш учун ҳар томонлама қулай ва шимам қилиб жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбари боғчада кичкинтойлар ва педагог-тарбиячилар учун яратилган шароит, тарбия жараёни қандай йўлга қўйилгани билан қизиқди. Бу ерда кичкинтойларнинг соғлом қизиб улгайиши учун имкониятларни янада кенгайтириш, ёпиқ сузиш ҳаваси барпо этиш зарурлигини таъкидлади. Туманда аҳолининг талаб-истакларини инобатга олиб, яна 10 нодавлат мактабгача таълим муассасаси қуриш ва болаларни уларга қамраб олишни кенгайтириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берди. Боғчалар қурилиши учун "Ўзмиллибанк" томонидан 25 миллиард сўм кредит ажратилди.

Президентимиз Исо Термизий мақбарасини зиёрат қилди. Ушбу қадомжа ёнида бунёд этилган масжидни қириб қўрди. Давлатимиз раҳбарининг вилоятга олдинги ташрифи чоғида режалаштирилган мазкур масжид кенг ва ёруғ қилиб қурилган.

Президентимиз бундай эзгу ишлардан Термизий бобомизнинг руҳи шод бўлиши, бу масканга келган одамнинг руҳи кўтарилиб, эътиқоди мустақомлонилишини таъкидлади.

Қизирик тумани марказида Сурхондарё вилояти фаолиятини йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ёш овлонди тарбиялаш ва иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

ТА'ЛИМ ТАРАҚҚИЙОТИ

БУНДАН ҲАММА МАНФААТДОР

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети (ТИУ) битирувчилари "Ўзбекистон почтаси" АЖ корхоналарида ишлайди. Куни кеча икки муассаса раҳбарлари ўзаро ҳамкорликка доир шартномани имзолади.

Роҳатой КОДИРОВА

Келишув доирасида иқтисодий таълимнинг реал тармоғи учун инновацион маҳсулотлар яратиш ҳамда ташаббускорларни рағбатлантириш кўзда тутилган. Бундай ёндашув жамиятда инновацион фаолликни оширишда ёшлар иштирокини таъминлашга ёрдам беради.

лайдиган илгор ўқув юрtdолидан бири ҳисобланади. Университетда таълим жараёни инновацион тарзда ташкил этилган. Асосий эътибор талабалар касбий кўникмаларини шакллантиришга қаратилиб, амалиёт дарсларида улар аниқ ишланмалар устида изланади. Бундай мутахассислар почта алоқаси тизими учун айна мўдда.



ташқари, соҳа ривожини учун муҳим илмий ҳамда инновацион лойиҳаларни рўбга чиқаришда университет профессор-ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчиларини жалб этиш режалаштирилган. Илк қўшма тадқиқот интеллектуал мулкни химоя қилишга қаратилди.

BRIFING

ПОЙТАХТИМИЗДА 80 ЎРИНЛИ ХУСУСИЙ БОҒЧАЛАР ҚУРИЛАДИ

Нозима МИЯССАРОВА

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташкил этган навбатдаги брифинг ҳудудда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан тақомиллаштириш масаласига бағишланди. Тадбирда маҳаллий ҳокимлик, мактабгача таълим бошқармаси, бинолардан фойдаланиш департаменти мутахассислари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда пойтахтимизда 632 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларга 122 минг 980 нафар бола қамраб олинган. Аслида эса, боғча ёшдагилар болалар сони 190 минг нафардан ортиқ. Боз устига, мавжуд боғчаларнинг барчаси қониқарли аҳволда эмас. Айримлари таъмирга муҳтож ёки керакли даражада таъминланмаган. Бу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида шаҳар ҳокимининг Тошкент шаҳрида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан тақомиллаштириш тўғрисидаги қарори қабул қилинган эди.

ОСИҚ МУЛОҚОТ

БИР ЙИЛДА 33 ТА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛДИ

Роҳатой КОДИРОВА

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Навоий шаҳридаги "Янгиобод" маҳалласида маҳаллий ҳокимликнинг аҳоли ҳамда ёшлар билан очиқ мулоқотини ташкил этди. Мавзу жиноят ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига бағишланди.



Айтиш керак, "Янгиобод" маҳалласи вилоят марказидаги энг криминал ҳудудлардан бири ҳисобланади. Утган йили бу ерда 33 та жиноят қайд этилган. Юртимизда жиноятчилик билан фаол курашилаётган бир пайтда, бундай ҳолатга кўз юмиб бўлмаслиги аниқ. Вазиятини зудлик билан бартараф этиш зарур. Бунга нафақат ички ишлар органлари, балки жамоат ташкилотлари ҳам масъулдир.

хоналарда яшаётгани аниқланди. Шундан келиб чиқиб, уларга шаҳар бандликка қўмаклашиш маркази базасидаги бўш иш ўринлари тақлиф этилди.

TASHABBUS

ЯНГИОБОДЛИКЛАРГА КИТОБ СОВҒА ҚИЛИНДИ

Элдор НАВРЎЗОВ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жиззах вилояти кенгаши раиси Азизбек Эгамбердиев янгиободлик уюшмаган ёшлар билан учрашди.

ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишга ҳамма тайёрлигини айтиди. Яратиб берилётган имкониятлар хусусида ҳам тўхтади.

XALQARO HAMKORLIK

Тажриба алмашиш, малака ошириш, янгиликка интилиш АРАҚҚИЁТНИНГ "ОЛТИН ҚОИДА"СИ

Жорий йилнинг 11-18 январь кунлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегацияси Германия Федератив Республикасида хизмат сарари билан бўлди. Ташриф ёшлар ташкилоти тизимидаги оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадига амалга оширилди. Делегация етти нафар кишидан иборат бўлиб, унга Президент девони, Иттифоқ Марказий Кенгаши масъул ходимлари, ташкилот муассислигидаги "Yoshlar ovozi" газетаси ҳамда "Yosh kuch" журнали бош муҳаррирлари, "Yoshlar" телерадиоканали директори, Республика ёш уюмкорлар кенгаши раиси, шунингдек, халқаро коммуникация соҳасидаги мутахассислар киритилди.

Дастлаб вакилларимиз Германия телерадиоканаллари ассоциацияси — ARD, Германия оила, кексалар, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича вазирлиги, Техник кўмаклашиш федерал идорасининг Берлин Ёшлар уюшмаси давлат ташкилоти, Германия федерал ёшлар кенгаши фаолияти билан танишди.

ARD масъул ходими Робен Лотенбах ассоциациянинг тарихи, бугунги фаолияти, ташкилий тузилмаси, молиялаштириш манбалари, ахборотларни тайёрлаш ва узатиш технологиялари ҳақида сузлаб берди. Делегация аъзолари 60 йилдан буён кечки вақтда эфирга узатиладиган ҳамда бир вақтнинг ўзida 11 миллион томошбин кузатиб борадиган "Target show" кўрсатувининг тайёрланиш жараёнини кузатди. Айтиш керак, немис телеканаллари хорижий давлатлар билан ахборот алмашишдан тийилмади ва фақат ҳужжатли фильмларни суратга олиш бўйича ҳамкорлик қилади. Чет элдаги воқеа-ҳодисаларга доир материаллар эса, фақат ўз мухбирлари томонидан тайёрланади. Робин Лотенбах юртимизда амалга оширилётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари билан қизиқди. Мутахассис Ўзбекистон делегациясининг мамлакатимиз ва Германияда ёшлар масаласига доир қилинаётган ишларни икки давлат телеканалларида ёритиш бўйича таклифини қабул қилди. Германия оила, кексалар, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича вазирлигининг Европа ва халқаро ёшлар сиёсати бўйича бўлим бошлиғи Андреа Балбах Германияда ҳам ёшлар сиёсати билан давлат ва нодавлат тузилмалари баравар шуғулланиши, соҳага доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилишда улар бирдай фаол иштирок этишини айтди. Германияда давлат томонидан ёшлар ўртасида йирик лойиҳалар ва кенг қамровли тадбирлар деярли ўтказилмайди. Бу иш асосан нодавлат ташкилотлар зиммасида. Мамлакатда ёшлар сиёсати бўйича буюртмаларни матбуот орқали бериш амалиёти ҳам мавжуд. Ёшларнинг инновацион ғоя ва ташаббуслари таълим тизимидаги ёки оммавий ахборот воситаларидаги турли

танлов ва викториналар орқали ўрганиб борилади. Германия техник кўмаклашиш федерал идорасининг Берлин Ёшлар уюшмасида делегациямиз аъзоларини ташкилотнинг халқаро тренери Женс Петер қарши олади. Мазкур уюшма давлат ташкилоти мақомига эга. Ёшларни фавқулодда вазиятларда туғри ҳаракатланишга ўргатиш бўйича иш олиб боради. Суҳбат чоғида жаноб Петер Ўзбекистон ёшлар иттифоқини Техник кўмаклашиш федерал идораси томонидан амалга оширилган халқаро лойиҳаларда иштирок этишига таклиф қилди. Бу масала юзасидан аниқ концепция ишлаб чиқиш бўйича келишиб олинди. Германия федерал ёшлар кенгаши президенти Лиза Май билан учрашув ҳам сермазмун ўтди. Ёшлар иттифоқи тизимида ишларнинг дастурий асосда юритилиши, ёшлар муаммоларини бевосита жойларда ўрганиш ва ҳал этиш амалиёти мезбонда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида бошланғич ташкилотлар фаолият юритаётгани, давлат бошқаруви идораларининг барча босқичларида ёшлар масалалари билан шуғулланганидан масъул лавозимлар жорий этилгани, ёшларнинг ўз муаммолари билан мутасаддиларга бевосита мурожаат қилиш имконига эгаллиги дунё тажрибасида ноёб ҳодиса, дея баҳоланди.

14 январь куни Берлин шаҳрида жойлашган мамлакатимиз элчихонасида Германиянинг турли шаҳарларида, қўшни мамлакатларда таълим олаётган, илмий изланиш олиб бораётган ва етакчи немис компанияларида меҳнат қилаётган ўзбекистонлик ёшлар билан очик мулоқот ўтказилди.

Учрашувга 100 нафардан зиёд йигит-қиз таклиф қилинди. Аксарияти олий таълимдан сўнг илмий изланиш олиб бораётган ёшлар бўлгани боис, мулоқот давомида асосан тадқиқод ишлари, ғоя ва ташаббусларни Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтириш, инвестицияларни жалб этишда Ёшлар иттифоқининг имтиёз ва преференциялар бериш борасидаги имкониятларига қизиқиш юқори бўлди. Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда етакчи немис компанияларида фаолият юритаётган юртдошларимизнинг таклифларини мунтазам ўрганиб бориш масаласи қизгин муҳокама қилинди. Савол-жавоблар пайтида Германиядаги ўзбекистонлик ёшлар яшаш шароити ва ўқишида, фуқаролик паспорти, хорижга чиқиш ва кириш бўйича виза олишда қийналмаётгани аниқланди. Ёшларнинг ватанпарварлик ҳисси, ўз салоҳиятини Ўзбекистон тараққиётига бағишлаш иштиёқи ва Ватан олида бурчдорлик кайфияти юқори экани алоҳида сезилиб турди. Тадбир якунида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Германиядаги вакили сайланди. Шунингдек, Германиядаги ўзбекистонлик ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга мурожаати қабул қилинди.

15 январда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегацияси "Берлин ҳафталиги" газетаси таҳририяти, Медиакоммуникация ва иқтисодиёт ҳамда Берлин оммавий ахборот воситалари олий мактабларида учрашувлар ўтказди.

"Берлин ҳафталиги" газетаси бош муҳаррири Хельмуд Херольд нашр фаолияти хусусида таҳлилий маълумот берди. Газета ҳафтада бир марта 1,5 миллион нусхада чиқади. У мустақил саналиб, асосан реклама ҳисобига кун кўради. Пойтахт ҳаётидаги муҳим муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратишда ўзига хос тажрибага эгаллиги боис, берлинликлар орасида катта обрў қозонган. "Берлин ҳафталиги" газетасининг онлайн версияси ҳамда болаларга мўлжалланган

махсус иловаси ҳам мавжуд. Медиакоммуникация ва иқтисодиёт олий мактабига ташриф ҳам самарали кечди. Мазкур олий таълим муассасасида унта йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланди. Ўқиш пулли бўлиб, ҳозирда 1,5 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олмақда. Бакалавр ва магистратура босқичларида таълим квотаси қатъий чекланмаган. Муҳокамалар чоғида ўзаро ҳамкорлик истиқболлари бўйича фикр алмашилди. Университет президенти, профессор Клаус Шульц Ўзбекистон медиабозори учун аниқ эҳтиёж ва талабдан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш йўналишида ҳамкорлик меморандумини имзолаш ва шу асосда ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатилган манфаатдорлигини билдирди. Берлин оммавий ахборот воситалари олий мактаби кадрлар тайёрлаш бўйича ўзига хос тажриба тўплаган яна бир номдор таълим даргоҳи саналади. Бу ерда ҳам таълим пулли бўлиб, талабалар контингентининг 19 фоизини хорижий фуқаролар ташкил қилмоқда. Университет ўқув студиялари, замонавий медиа техникалари билан таъминланган. Шу боис турли ташкилот ва тузилмалар буюртмаси асосида видеомаҳсулотлар тайёрлаш имконига эга. Бунда, табиийки, талаба-ёшлар фаол иштирок этади. Бундан ташқари, улар ўқув амалиётини энг нуфузли оммавий ахборот воситаларида ўтайди. Мустақил тарзда газета ва журналларни нашрга тайёрлайди. Ўқиш давридаёқ тайёрлаган журналистик материаллари (ҳужжатли фильмлар, кўрсатувлар, қисқа метражли кинофильмлар) Берлиндаги маҳаллий телеканаллар орқали намойиш этилади. Олий мактаб ректори, профессор Михаел Баутнер Ўзбекистон томони билан амалий ҳамкорлик қилишнинг шундай жиддий қизиқиш билдирди.

16 январь куни Ўзбекистон делегацияси Дрезден шаҳрида Саксония федерал ери парламентининг Ижтимоий масалалар бўйича қўмитаси раиси Адрей Вент, Фан, таълим, оммавий ахборот воситалари ва спорт масалалари қўмитаси раиси Вольф Ровт ҳамда Саксония федерал ери Болалар ва ёшлар кенгаши раиси Венке Трумпольд билан учрашди. Шунингдек, мазкур ҳудудда таълим олаётган ва меҳнат қилаётган ўзбекистонлик ёшлар билан очик мулоқот бўлиб ўтди.

Саксония федерал ерида 4 миллион киши яшайди. Ҳар йили маҳаллий бюджетнинг 17 фоизи болалар ва ёшлар масалаларини ҳал этишга йўналтирилади. Парламент комиссияси ёшлар ҳаётида учрайдиган муаммоларни мунтазам таҳлил этиб, ҳукуматга тегишли тавсиялар бериб боради. Федерал ҳудуд маъмурияти ёшларнинг ҳар турдаги қизиқиш ва интилишларини рўёбга чиқаришга катта эътибор қаратган. Шу мақсадда кўплаб лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Бу, ўз навбатида, жамиятда уюшмаган ёшлар қатлами юзага келишининг олдини олади. Саксония федерал ери қонунчилик органида кечган суҳбат чоғида маҳаллий парламентарийлар ҳудудда яшаётган ўзбекистонлик ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларни мунтазам қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишини билдирди. Болалар ва ёшлар кенгаши фаолияти билан яқиндан танишув ҳам делегациямиз аъзоларида катта таассурот қолдирди. Мазкур тузилма нодавлат ташкилот ҳисобланиб, таълим, санъат, спорт, экология, ўрмонларни асраш каби юздан ортиқ йўналишларда фаолият олиб борадиган жами 42 та уюшмани ўзида бирлаштирган. Кенгаш уюшмалар фаолиятини мувофиқлаштириб боради, янги йўналишларда лойиҳаларни йўлга қўйиш бўйича тавсиялар беради. Германия шароитида давлат сиёсатини амалга оширишда нодавлат ташкилотлар муҳим роль ўйнайди. Уларнинг болалар ва ёшлар камолоти йўлида ташкил этаётган турли дастурий лойиҳаларини давлат бюджетидан тўла таъминлаш механизми йўлга қўйилган. Болалар ва ёшлар масалаларида дахлдор ишлар кенг жамоатчилик томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, аҳоли бу ишларда кўнгиллилик асосида иштирок этади. Кенгаш раиси Венке Трумпольд халқлари-

миз маданияти ва манфаатларига хизмат қиладиган ўзаро қўшма лойиҳаларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тайёр эканини айтди. Шунингдек тарихий шаҳарлар Самарқанд ва Дрезден ўртасида ёшлар туризмининг ривожлантириш юзасида меморандум имзолаш орқали алоқаларни мустаҳкамлаш истаги билдирилди. Саксония федерал ери ҳудудида таълим олаётган ва меҳнат қилаётган ҳамюрт тенгдошларимиз билан очик мулоқот қизгин мунозараларга бой бўлди. Улар Иттифоқнинг хорижий давлатлардаги ёшлар тақдирини билан қизиқиб, улар билан доимий алоқа ўрнатиш борасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлади. Илмий-техника соҳасидаги ютуқларни мамлакатимиз иқтисодиётига жорий этиш муаммолари, катта амалий самарадорликка эга инновацион ғоя ва ташаббусларни тегишли давлат идораларига етказишда Ёшлар иттифоқи кўмагидан фойдаланиш масалалари атрофича муҳокама қилинди.

17 январнинг биринчи ярмида Ўзбекистон делегацияси Эрфурт шаҳридаги Тюринген федерал ери Ёшлар кенгаши раиси Бейорн Уриг ҳамда КИКА болалар телеканали директори Астрид Пленк ҳузурда бўлди.

Ёшлар кенгаши нодавлат ташкилот мақомида фаолият кўрсатиб, икки тармоққа бўлинган: Фуқаролик ёшлар ҳаракати ва Ишчи ёшлар ҳаракати. Ёшларнинг бундай вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тузилманинг асосий вазифасига кириди. Бундан 27 ёшгача бўлган 305-мингдан ортиқ болалар ва ёшларни қамраб олган кенгаш турли йўналишларга ихтисослашган 22 уюшма ҳамда 97 шўъбани ўз ичига олади. Тизимда 40 минг нафардан зиёд етакчи кўнгилли сифатида фаолият кўрсатади. Кенгаш уларнинг билим ва малакаларини ошириш, мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида 36 соатлик махсус курслар ташкил қилган. Бейорн Уриг билан учрашув Германия федерал ерларида ёшлар билан ишлашнинг амалий жиҳатларини бафурда ўрганиш имконини берди. Германияда ёшлар уюшмалари фаолиятини давлат томонидан молиявий таъминлаш масаласи қонун билан кафолатланган. Сиёсатга қизиқувчи фаол ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилади. Кенгашга аъзо баъзи ташкилотлар ўз нафсларига ҳам эга бўлиб, улар давлат томонидан молиялаштирилади ва бепул тарқатилади. Тюринген федерал ери Ёшлар кенгаши раиси Бейорн Уриг Ўзбекистон билан ёшлар масалаларида ўзаро доимий тажриба алмашишга тайёр эканини билдирди. Келгусида ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишилди. КИКА ("Kinderkanal") болалар телеканали йигирма йил муқаддам ташкил этилган. У Германиянинг энг йирик телеканаллари бўлган ARD ва ZDF қошида фаолият юритади. Ушбу телеканалларнинг болалар муҳаррирлари КИКАга телемаҳсулотлар тайёрлаб беради. "Kinderkanal"нинг асосий мақсади болаларни ўз фикри ва позициясига эга мустақил шахс этиб ҳаётга тайёрлашдан иборат. Телеканал 13 ёшгача бўлган болалар учун билим берувчи, кўнгилдор, спорт, оилавий аҳиллик, болалар ҳуқуқлари каби йўналишларда курсатув, бадиий ва анимацион фильмлар, сериаллар тайёрлаб, эфирга узатади. Яна бир жиҳати шундаки, телеканал томонидан кўрсатувларнинг рейтингини аҳоли ўртасида ўтказадиган социологик сўровлар асосида мунтазам равишда мониторинг қилиб борилади. Учрашувда делегациянинг Германия болалар телеканалининг иш тажрибасини ҳар томонлама чуқур ўрганиш мақсадида ўзбекистонлик тележурналистларни қисқа муддатли малака оширишга жалб қилиш, маҳорат дарслари ташкил қилиш ҳамда ўзаро телемаҳсулотлар алмашиш тақдирини берилди. Келгусида амалий ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Фахриддин КАРИМОВ
Тошкент – Берлин – Дрезден –
Эрфурт – Франкфурт – Тошкент

YURTIM MANZARALARI

"ҚИШЛОҒИМГА
ҚОР ЁҒДИ..."



Рустам НАЗАРМАТОВ фотозэтиди.

ИБРАТ

БОБОРАВШАН

УЗР, УСТОЗ...

Умид мактабдан хафа бўлиб қайтди. У дарсда тўполон қилгани камдек, уй вазифасини ҳам тайёрлаб бормаган экан.

Ёши олтимишга яқинлашиб қолган ўқитувчиси Ойдин опа Умидни кўп бор оголантирди. Гап таъбир қилмаган, танбех бериб, бурчакка турғизиб қўйди. Аммо беш дақиқа ўтмасдан, Умид руҳсатсиз синфхонадан чиқиб кетди. Ойдин опа уни спорт залидан топиб, синфхонага олиб келди. Энди уни қаттиқ қойиди. Бундай муносабатга кўникаман Умид эшикни тепиб чиқди. Уйига жўнаб қолди. Уйи остонасидан ҳатлаши

билан бор овозда: "Шу ҳам мактабми? Қайтиб у ерга бормаيمان!" — деди бақариб. Ўғлининг бу гапини эшитган Содиқ унга пешвоз қўйди ва: "Тинчликми?" — деди. Умид йиғламоқдан бери бўлиб отасига арз қила кетди: — Ўқитувчимиз, Жасурнинг қилмишини деб, мени жазолади. Юзимга шалпоқ уриб, кулоғимдан бураб, икки соат бурчакка турғизиб қўйди... Содиқнинг фиғони фалак-

ка чиқди. Умидни етаклаб мактабга жўнади. "Булар қанақа ўқитувчи? Шалпоқ торганмиш, боланинг юзида фаришта бўлишини билмайди, шекилли?! Бўлди, йиғлама, ўғлим! Ўқитувчинг қилмишига яраша жазо олади", — деди у.

олманг! — дея директорнинг гапини бўлди Содиқ. Шу пайт қия очик эшикдан Ойдин опа кириб келди. У бу ердаги гапдан йўлкадаёқ хабар топганди. Кириши билан салом берди, директорга юзлашиб: — Ҳамма айб менда, — деди. — Агар болага яхши тарбия бера олганимда бу кўйга тушмасдим!

E'LON

1. МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ

Бўлимнинг вазифалари: — Ёшлар иттифоқи бюджетини ва таркибий тузилмалари бюджетини ишлаб чиқиш; — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ва таркибий тузилмаларининг харажатлар сметасини баҳолаш; — молиявий ва бухгалтерия ҳисоботларини олиш; — лойиҳаларнинг иқтисодий кўрсаткичларини кўриб чиқиш; — харидлар жараёнида иштирок этиш; — методология.

1.1. БЎЛИМ БОШЛИҒИ

Бўлим бошлиғига қўйиладиган асосий талаблар: — маълумоти молия-иқтисод йўналиши бўйича магистрлик даражасидан кам бўлмаган; — давлат идоралари, ННТ ва тижорат тузилмаларида молиявий бошқарув ва иқтисодиёт соҳасида 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга; — ўзбек тилини мукамал билиши, рус ва инглиз тилларини ўзлаштирган; — компьютер саводхонлиги: MS Word, Excel, Project, 1С бухгалтерия ва бошқа бухгалтерия дастурларини билиши; — 40 ёшдан ошмаган, етакчилик қобилиятига эга, адолатли ва ҳушмуомала ҳодим бўлиши лозим.

1.2. БОШ МУТАХАССИС

Бош мутахассисга қўйиладиган асосий талаблар: — маълумоти молия-иқтисод йўналиши бўйича бакалавр даража-

сидан кам бўлмаган; — давлат идоралари, ННТ ва тижорат тузилмаларида молиявий бошқарув ва иқтисодиёт соҳасида 5 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга; — ўзбек тилини мукамал билиши, рус ва инглиз тилларини ўзлаштирган; — компьютер саводхонлиги: MS Word, Excel, Project, 1С бухгалтерия ва бошқа бухгалтерия дастурларини билиши; — 30 ёшдан ошмаган, адолатли ва ҳушмуомала ҳодим бўлиши лозим.

1.3. ЕТАКЧИ МУТАХАССИС

Етакчи мутахассисга қўйиладиган асосий талаблар: — маълумоти бўйича бакалавр даражасидан кам бўлмаган; — умумий 10 йил ва шу давр мобайнида давлат идоралари, ННТ ва тижорат тузилмаларининг бош ҳисобчиси лавозимида 5 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга; — ўзбек тилини мукамал билиши, рус ва инглиз тилларини ўзлаштирган; — компьютер саводхонлиги: MS Word, Excel, Project, 1С бухгалтерия ва бошқа бухгалтерия дастурларини билиши; — 40 ёшдан ошмаган, етакчилик қобилиятига эга, адолатли ва ҳушмуомала ҳодим бўлиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ҚЎЙИДАГИ
ЛАВОЗИМЛАРГА БЎШ ИШ ҲАҚИ ҲАҚИ БЎЙИЧА
ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛАДИ:

2. БУХГАЛТЕРИЯ БЎЛИМИ

Бўлимнинг вазифалари: — ҳисоб-китоб тизимини юритиш, давлат органлари ҳисобот бериш; — қўйи туровчи ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботларини қабул қилиш; — тўловларни амалга ошириш; — лойиҳа сметаларини кўриб чиқиш; — методология.

2.1. МАРКАЗИЙ КЕНГАШ БОШ ҲИСОБЧИСИ

Бўлим бошлиғига қўйиладиган асосий талаблар: — маълумоти бўйича бакалавр даражасидан кам бўлмаган; — умумий 10 йил ва шу давр мобайнида давлат идоралари, ННТ ва тижорат тузилмаларининг бош ҳисобчиси лавозимида 5 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга; — ўзбек тилларини мукамал билиши, рус ва инглиз тилларини ўзлаштирган; — компьютер саводхонлиги: MS Word, Excel, Project, 1С бухгалтерия ва бошқа бухгалтерия дастурларини билиши; — 40 ёшдан ошмаган, етакчилик қобилиятига эга, адолатли ва ҳушмуомала ҳодим бўлиши лозим.

2.2. КАТТА ҲИСОБЧИ (ИШ ҲАҚИ БЎЙИЧА)

Катта ҳисобчига қўйиладиган асосий талаблар: — маълумоти бўйича бакалавр даражасидан кам бўлмаган; — давлат идоралари, ННТ ва тижорат тузилмаларида ҳисобчи лавозимида 5 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга; — ўзбек тилини мукамал билиши, рус ва инглиз тилларини ўзлаштирган; — компьютер саводхонлиги: MS Word, Excel, Project, 1С бухгалтерия ва бошқа бухгалтерия дастурларини билиши; — 30 ёшдан ошмаган, адолатли ва ҳушмуомала ҳодим бўлиши лозим.

2.3. ЕТАКЧИ ҲИСОБЧИ (МАТЕРИАЛЛАР БЎЙИЧА)

Етакчи ҳисобчига қўйиладиган асосий талаблар: — маълумоти бўйича ўрта махсус даражасидан кам бўлмаган; — давлат идоралари, ННТ ва тижорат тузилмаларида ҳисобчи лавозимида 5 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга; — ўзбек тилини мукамал билиши, рус ва инглиз тилларини ўзлаштирган; — компьютер саводхонлиги: MS

Word, Excel, Project, 1С бухгалтерия ва бошқа бухгалтерия дастурларини билиши; — 30 ёшдан ошмаган, адолатли ва ҳушмуомала ҳодим бўлиши лозим.

3. МОЛИЯВИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ГУРУҲИ

Бўлимнинг вазифалари: — юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш ва тўлов ҳужжатларини тўғрлиги назоратини юритиш; — тўловни амалга оширишни тасдиқлаш; — методология.

3.1. БЎЛИМ БОШЛИҒИ

Бўлим бошлиғига қўйиладиган асосий талаблар: — маълумоти молия-иқтисод йўналиши бўйича бакалавр даражасидан кам бўлмаган; — давлат идоралари, Молия вазир-

— давлат идоралари, Молия вазирлиги газначилиги, ННТ ва тижорат тузилмаларида молиявий бошқарув ва иқтисодиёт соҳасида 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга; — ўзбек тилларини мукамал билиши, рус ва инглиз тилларини ўзлаштирган; — компьютер саводхонлиги: MS Word, Excel, Project, 1С бухгалтерия ва бошқа бухгалтерия дастурларини билиши; — 40 ёшдан ошмаган, етакчилик қобилиятига эга, адолатли ва ҳушмуомала ҳодим бўлиши лозим.

3.2. БОШ МУТАХАССИС

Бош мутахассисга қўйиладиган асосий талаблар: — маълумоти молия-иқтисод йўналиши бўйича бакалавр даражасидан кам бўлмаган; — давлат идоралари, Молия вазир-

Юқоридаги бўш иш ўринлари бўйича кизиқиш билдирган номзодлар ўшбу телефон рақами орқали суҳбатга ёзилиши мумкин: (+99899 858 43 17) Номзодлардан қўйидаги ҳужжатлар талаб этилади: — маълумотнома (объективка); — паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар; Мехнатга ҳақ тўлаш — давлат органи даражасида. Суҳбат давомида кўшимчалар ва қўшимча моддий рағбатлантириш механизми муҳокама қилинади. Иш тартиби: душанбадан жумагача 9:00 дан 18:00 гача. Ҳужжатлар электрон тарзда 25 январга қадар шу манзилда қабул қилинади: s.maksudov@yi.uz, b.hamroyev@yi.uz

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
БОШ МУХАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Қамолдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзаёнов, Нодир Абдуқоширов, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Санжар Исमतов — масъул котиб ("Yoshlar ovozi"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Уктамонович
Навбатчи
Нодирабежим Жамолова

«YOSHLAR OVOZI» дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тахрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.
Буюртма: Г-136.
Адади: 24352
Босқич ташкирият вақти — 21.00
Ташкирият — 02.30
Ўзлаштириш — 01.50
Офсет ускуна билан.
1 2 3 4 5